

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЛАЕВ НОДИРБЕК САПАРБАЕВИЧ

**ПЕНИТЕНЦИАР ТИЗИМНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФУНКЦИЯСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳукуқи. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳукуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Салаев Нодирбек Сапарбаевич

Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш.....3

Salaev Nodirbek Saparbaevich

Improving the Efficiency of the Preventive Function of the Penitentiary System.....31

Салаев Нодирбек Сапарбаевич

Повышение эффективности профилактической функции пенитенциарной системы.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЛАЕВ НОДИРБЕК САПАРБАЕВИЧ

**ПЕНИТЕНЦИАР ТИЗИМНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФУНКЦИЯСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳукуқи. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳукуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tsul.uz) ва Ziyonet Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи: **Абдурасулова Қумриниса Раимкуловна**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Кабулов Рустам**
юридик фанлар доктори, профессор

Мирзаев Азиз Алишерович
юридик фанлар доктори

Сақари Кристиан Меландер
юридик фанлар доктори, профессор
(Хельсинки университети, Финляндия)

Етакчи ташкилот: **Бердақ номидаги Қорақалпоқ**
давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 14 декабрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (834 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2017 йил 1 декабрда тарқатилди.
(2017 йил 1 декабрдаги 2 рақамли реестр баённомаси).

З.Н. Эсанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

У.А. Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.б., юридик фанлар номзоди, профессор

Г.З. Тўлаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчилик профилактикаси муаммоси тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва одил судлов бўйича 13-Конгрессида ушбу масала миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги қайд этилган. Жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш билан бир қаторда тайинланган жазони ижро этишнинг оқилона йўлга қўйилиши жиноятчиликни профилактика қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан халқаро ҳамжамият томонидан барча давлатларда пенитенциар тизимни замонавий таҳдидлар ва талабларни инобатга олиб ислоҳ қилиш зарурати мавжудлиги таъкидланмоқда. 2016 йилда жаҳон миқёсида 11 млн.га яқин шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганлиги, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 20 фоизга ошганлиги, сўнгги пайтда жаҳоннинг йирик давлатларида рецидив жиноятчилик 50 фоизни ташкил этаётганлиги¹ ҳақидаги далиллар жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ислоҳ қилиш, маҳкумлар ёки жазони ўтаб чиққан шахслар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олишнинг янги чоралари ва янада самарали механизмини ишлаб чиқиш, бу соҳада профилактик чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда пенитенциар тизим профилактик функцияси самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида мазкур тизимни такомиллаштириш, ҳар бир жазо турини ижро этишда профилактик таъсир чораларни яхшилаш, маҳкумларнинг хулқ-атворини тузатишга халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, маҳкумлар ёки жазони ўтаб чиққан шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишнинг янги профилактик чоралари ва янада самаралироқ механизмини ишлаб чиқиш, пенитенциар тизимда профилактик функция самарадорлигини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тизимлаштириш, ҳуқуқни кўллаш амалиётини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда пенитенциар тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди, мазкур соҳа муайян даражада ривожлантирилди, хусусан, жазони ижро этишда асосий эътибор профилактик функция самарадорлигини ошириш, озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазоларни кенгроқ қўллаш, жазони ўташ шароитларини тубдан яхшилаш, жазонинг репрессив мақсадлари ўрнига тарбиявий ишларни татбиқ этиш, жазони ўтаб чиққан шахсларнинг

¹ www.unodc.org, www.i-pso.ru, www.prisonstudies.org

ижтимоий мослашув жараёнини назоратга олишни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш¹ қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-ижроия кодекси (1997), «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги (1992), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), Ички ишлар органлари тўғрисидаги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2017), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари» (2013), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги (2006) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Helsinki, Department of Social Research, Institute of Criminology and Legal Policy (Финляндия); University of London, International Centre for Prison Studies, Institute for Criminal Policy Research (Буюк Британия); Max Planck Institute for Foreign and

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

² Диссертация мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида ёритилган: www.helsinki.fi/institute-of-criminology-and-legal-policy; www.prisonstudies.org; www.mpicc.de/en/home.cfm; www.prisonpolicy.org; www.с.юи.фсин.рф; tsul.uz; akadmvd.uz ва бошқа манбалар асосида.

International Criminal Law (Германия); Prison Policy Initiative (АҚШ); Россия Федерацияси жазоларни ижро этиш хизмати Самара юридик институти (Россия Федерацияси); Тошкент давлат юридик университети, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар туфайли қуйидаги илмий натижалар олинган: жиноий жазоларни ижро этиш шароитларини тубдан ислоҳ қилиш, либераллаштириш билан боғлиқ профилактика чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган (University of Helsinki, Department of Social Research (Финляндия); пенитенциар тизимнинг профилактик самарадорлигини оширишга комплекс ёндашув асосида, уни такомиллаштиришнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий жиҳатлари аниқланган (University of London, International Centre for Prison Studies, Institute for Criminal Policy Research (Буюк Британия); пенитенциар тизимга салбий таъсир қилувчи омиллар очиб берилган (Max Planck Institute for Foreign and International Criminal Law (Германия); озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазоларни қўллаш имкониятларини кенгайтириш орқали жиноятларни профилактика қилиш ҳамда пенитенциар профилактика чоралари ишлаб чиқилган (Prison Policy Initiative (АҚШ); пенитенциар муассасаларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш тизими ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси жазоларни ижро этиш хизмати Самара юридик институти); жиноий жазоларни ижро этиш тизимини либераллаштириш орқали жиноятчиликка қарши кураш имкониятлари очиб берилган (Тошкент давлат юридик университети); пенитенциар психология муаммолари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси) ўрганилган.

Дунёда пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш; маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш; озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазоларни қўллаш орқали жиноятчиликни профилактика қилиш тизимини такомиллаштириш; маҳкумлар меҳнатини ташкил этиш амалиётини яхшилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Г.А.Абдумажидов, Ю.М.Каракетов, Қ.Р.Абдурасулова, А.А.Шамансуров, И.Исмаилов, Ш.Х.Иногамов, Ю.С.Пулатов, М.Ш.Юлдашев, М.Ш.Нажимов ва бошқаларнинг илмий ишларида¹ муайян даражада кўриб чиқилган.

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Хорижий мамлакатларда пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ва у билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари В.Н.Кохман, Н.И.Полищук, Ю.А.Борзенко, С.М.Оганесян, И.Р.Камалиева, М.П.Мелентьева, В.Б.Спицнадель (Россия), Lappi-Seppala Tapio, Sakari Cristian Melander, Anttila, Inkeri & Törnudd, Patrik, Lahti - K. Nuotio (Финляндия), Viljanen Jukka, Christie Nils, Falck, Sturla, von Hofer, Hanns, Storgaard (Швеция), Michael Tonry, Garland David, Andenaes, Johs (AQSH), Roberts, Julian V., Stalans, Loretta J., Indermaur, David and Hough Mike (Буюк Британия)лар томонидан ўрганилган¹.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари фақат айрим турдаги жазоларнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари, Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари, Жазони ижро этишга оид норматив ҳужжатларни ва жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш муаммолари ва Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят-ижроия ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш,

пенитенциар тизим профилактик функцияси моҳиятини аниқлаш ва унга тавсиф бериш;

пенитенциар тизимда профилактик функциянинг аҳамияти ва унинг самарадорлигини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларига профилактик функциянинг моҳиятини сингдириш;

профилактика чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жинойй жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиришга оид тавсиялар бериш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишда профилактика таъсир чоралари ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда профилактик функция самарадорлигини ошириш;

пенитенциар тизимнинг профилактик функциясига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили асосида уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, мамлакатимиз пенитенциар тизимининг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси пенитенциар тизимининг профилактик функцияси самарадорлигини оширишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, киёсий ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмаслиги лозимлиги, бундан одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно эканлиги асослаб берилган;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч ёшгача болалари бўлган аёлларга нисбатан қўлланилмаслиги асослаб берилган.

маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган ёки суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги асосланган.

жазони ижро этиш муассасаларида ўқув жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш орқали вояга етмаганларни касбий тайёргарлигини кучайтириш юзасидан таклифлар асосланган;

пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини

ошириш мақсадида маҳкумларни турли корхоналарда меҳнатга жалб қилиш ҳақидаги таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-психологик ва педагогик чораларни маҳкумлар ахлоқини тузатувчи воситалар деб ҳисоблаш ва уларни жиноят-ижроия қонун ҳужжатларига киритиш кераклигига доир тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

Пенитенциар тизим фаолиятида жамоат тузилмаларининг иштирок этиши масаласига аниқлик киритилиб, мазкур фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида васийлик ва жамоатчилик кенгаши, касаба уюшмалари, тарбия колонияларида маҳкумларнинг ота-оналари қўмитасини ташкил қилиш бўйича таклифлар асослантирилган.

Жиноий жазоларни ижро этиш тизимига хусусий секторнинг жалб қилиниши жиноий жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органларда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиришнинг яна бир воситаси эканлиги таъкидланиб, дастлабки босқичда манзил-колониялари ҳамда тарбия колониялари қошида маҳкумларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг таълим олиш жараёнига хусусий секторни босқичма-босқич жалб этиш мумкинлиги ҳақидаги таклиф асосланган.

Пенитенциар тизимга парламент назорати механизмини жорий этиш кераклиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, жиноят ва жиноят-ижроия қонунларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, амалдаги жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини тайёрлашда, Ички ишлар ва прокуратура органлари фаолиятида, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, жиноят-ижроия ҳуқуқи модулларини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, жиноий жазоларни ижро этувчи органлар фаолиятида, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини яхшилашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда истисно тариқасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланиши мумкин эмаслиги, бундан одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно эканлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 45-моддаси (муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш)га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 13 январдаги 06/1-05/1482 вх-сон маълумотномаси). Бу жиноятчиликни профилактика қилишга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қилади;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллашда ушбу жазонинг уч ёшгача болалари бўлган аёлларга нисбатан қўлланилмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 46-моддаси (ахлоқ тузатиш ишлари)га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 13 январдаги 06/1-05/1432 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошишига хизмат қилади;

маҳрум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган ёки суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тўғрисидаги ва бошқа шу каби таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги қарорининг 25¹-, 25²-, 25³-, 25⁵- бандларига қўшимчалар киритилишида фойдаланилган (2016 йил 27 апрелдаги 11-191-16-сон маълумотнома). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги қонунларни амалиётда қўллаш кўникмаларига ижобий таъсир кўрсатиб, жиноятларни муайян даражада камайтириб, жиноятлар учун адолатли жазо тайинланишига кўмаклашади;

жазони ижро этиш муассасаларида маиший шарт-шароитларни янада яхшилаш, ўқув жараёнига инновацион педагогик технологиялар жорий этиш, вояга етмаганларни касбий тайёргарлигини кучайтириш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида тегишли

хужжатлар асосида жорий этилган (2017 йил 11 ноябрдаги 28/5-1-2-527-сон маълумотнома). Ушбу таклифлар жазони ижро этиш колонияларида маиший шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 та рисола, 13 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 250 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси ва унинг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида пенитенциар тизим тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги аҳамияти, пенитенциар тизимда профилактик функция ва унинг самарадорлигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган.

Пенитенциар тизим тушунчаси, вужудга келиши ва ривожланиши ретроспектив таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасида мазкур тизимнинг ривожланиши, давлат бошқаруви ва жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилиги ривожланишининг босқичларида жиноий жазони ижро этиш тизими (меҳнат-ахлоқ тузатиш тизими, жиноий жазоларни ижро этиш тизими, жазони ижро этувчи муассасалар тизими, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этувчи органлар) таҳлил қилиниб, мазкур тушунчага оид ёндашувлар ва мавжуд таърифлар ўрганиб чиқилган. Мазкур тушунчанинг тор ва кенг таърифи билан боғлиқ хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқий таърифи

мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда пенитенциар тизим тушунчаси бўйича ягона ёндашув йўқлиги ва унга аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, унинг жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва давлат бошқаруви доирасида ҳуқуқий мақоми комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, шунингдек, бу борада юзага келган жазони ижро этиш билан боғлиқ муносабатларга лозим даражада эътибор берилмаётганлиги, айрим муносабатларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари нуқтаи назаридан етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, биринчи навбатда халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидаларнинг миллий қонунларда акс эттирилиши зарурлиги, бу пенитенциар тизим ҳамда унинг доирасида юзага келувчи муносабатларни тартибга соладиган қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг йўналишларини аниқлаш имконини бериши кўрсатилган.

Пенитенциар тизим фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, уни вужудга келтирувчи ҳуқуқий муносабатлар субъектлари тизими қай даражада оқилона ташкил этилгани ва улар ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари билан белгиланади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, пенитенциар тизимга қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: *«Пенитенциар тизим – жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи давлат органлари ва муассасаларининг маҳкумларнинг ахлоқан тузалиши ва қайта ижтимоийлашувига қаратилган тарбиявий-ахлоқий, педагогик-психологик, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган тизим»*дир.

Диссертант, жаҳонда жазоларни ижро этиш тизимларининг бир нечта институционал моделлари мавжудлигини таъкидлаб, ушбу орган ва муассасаларнинг у ёки бу давлат идорасига қарашли эканлигига қараб, *пенитенциар тизимни ташкил этишнинг беш моделини ажратиб кўрсатган:*

1) жазоларни ижро этиш тизими тўлалигича Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги модель;

2) жазоларни ижро этиш тизими тўлалигича Адлия вазирлиги томонидан бошқариладиган модель;

3) жазоларни ижро этиш тизими Адлия ва Ички ишлар (полиция) вазирлиги бошқарувида бўлган модель;

4) жазоларни ижро этиш тизими Адлия вазирлиги томонидан ҳам Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам назорат қилинмайдиган алоҳида давлат департаменти таркибидаги модель;

5) жазо турлари ёки процессуал мажбурлов чоралари турли идораларнинг ихтиёрига берилган аралаш модель (маҳкумлар сақланадиган пенитенциар муассасалар Адлия вазирлигининг, дастлабки қамоқ жойлари эса Ички ишлар вазирлигининг ихтиёрида бўлади).

Ушбу таснифга кўра қатор мамлакатлар пенитенциар тизими комплекс таҳлил қилиниши натижасида ҳуқуқий давлат механизмида пенитенциар

муассасалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг айрим функцияларини бажаради, деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари» деб номланган 2-бўлимида ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, биринчи навбатда, жазони ижро этиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш зарурати назарда тутилган¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида пенитенциар тизимга оид қонун ҳужжатлари, айниқса унинг превентив жиҳатларини кучайтириш билан боғлиқ замон талабларига етарли даражада жавоб бера олмайди. Бу ҳол *2018-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси жазони ижро этиш тизимини ислоҳ этиш концепциясини* ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу Концепция, дастлабки даврда, молия-иқтисодий харажатлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда жазони ижро этиш тизими фаолияти билан боғлиқ қатор ислоҳотларни амалга ошириш имконини бериши шарт.

Концепцияни амалга оширишнинг биринчи босқичи (2018–2019 йй.)да қуйидаги чоралар режалашрилиши лозимлиги асосланган: Концепциянинг ижро этилиши бўйича чора-тадбирлар режаси (Йўл харитаси) тасдиқланиши, концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, концепция ижросининг асосий йўналишлари бўйича мақсадли дастурлар ишланиши ва тўғри йўналтирилиши, жамоат назорати механизмини кучайтириш нуқтаи назаридан турли кузатув комиссия ва кенгашлар фаолиятига оид янги механизмларнинг яратилиши, муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш институтини қўллаш бўйича янги ва замонавий ёндашувларнинг асосланиши, жазони ижро этиш тизимининг тиббий хизмат кўрсатиш тузилмаларини қайта кўриб чиқиш, маҳкумлар ва қамокда сақланаётган шахсларга халқаро стандартларга мувофиқ тиббий ёрдам ва тиббий хизматни амалга ошириш ва ҳ.к.

Концепцияни амалга оширишнинг иккинчи босқичи (2020–2022 йй.)да жазони ижро этиш тизимидаги муассасаларнинг асосий қисмини очиқ ёки ёпиқ турмаларга айлантириш, улардаги маҳкумларни сақлаш шарт-шароитларини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, озодликдан маҳрум қилишга муқобил янги жазо турларининг ижросини таъминлаш чораларини кўриш, концепция доирасида олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва (зарурат туғилса), тегишли чора-тадбирларни тузатиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

(коррекция қилиш) кўзда тутилади.

Концепцияни амалга оширишнинг сўнгги учинчи босқичи (2023–2025 йй.)да жазони ижро этиш тизими фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича режалаштирилган мақсадли барча чора-тадбирлар якунланиб, халқаро стандартларга ҳар томонлама ва тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий пенитенциар тизим шакллантирилади.

Айни вақтда, таклиф этилаётган концепция доирасида қуйидаги қонунлар ишлаб чиқилиши шарт: янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (Жиноий жазоларни ижро этиш кодекси), Жазони ижро этиш тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунлари), Жазони ижро этиш тизими органлари ва муассасаларида хизмат қилиш тўғрисидаги, Жазони ижро этиш органлари ва муассасалари тўғрисидаги қонунлар ва бошқалар.

Муаллиф ЖИКда айрим зиддиятлар мавжудлигини кўрсатиб, Кодекснинг 2-моддасидаги жазо ижросини таъминлаш ҳақида нормада жазо тушунчаси жиноий жазодан ташқари бошқа турдаги жазоларни ҳам қамраб олиши, ушбу қоида Кодекснинг 1-моддасига (жиноий жазо) мос эмаслиги, қолаверса, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси фақат жиноий жазо ижросини таъминлаш эмас, балки жиноий жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросини таъминлаш эканлигидан келиб чиқиб, ЖИКнинг 2-, 3-, 5-, 7-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлигини асослаб берган.

Тадқиқотчи пенитенциар тизимнинг профилактик функциясига тўхталар экан, профилактика тушунчаси икки хил маънода: 1) тиббий маънода касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи; 2) ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунилишини қайд этган. Шу маънода *пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси деганда, маҳкумни ахлоқан тузатиш, уни қонунга риоя қилувчи шахс сифатида қайта тарбиялаш орқали унинг янги ижтимоий ҳавфли қилмишларгa содир этишининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қамраб олувчи фаолият йўналиши ва вазифалар мажмуи тушунилади.*

Жиноят туфайли жамиятдаги ижтимоий адолат бузилади. Айбдорга тайинланган жазони ижро этиш орқали эса, мазкур адолат муайян даражада тикланади. Бинобарин, ижтимоий адолатни тиклаш жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, ЖИКнинг 2-моддасида «ижтимоий адолатни тиклаш»ни жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири сифатида белгилаш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Пенитенциар ҳуқуқ назариясида ахлоқ тузатиш атамаси билан бир қаторда баъзан қайта ижтимоийлашув атамаси ҳам қўлланилади. Бу тушунчалар асосан бир хил маънони англатганлиги боис, М.Рибакнинг

тадқиқоти алоҳида диққатга сазовор: у маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашуви деганда, жиноятчини қонунга итоаткор инсон (фуқаро)га айлантиришга қаратилган изчил жараёни тушунади¹. В.Суровцевнинг фикрича, қайта ижтимоийлашув жамиятдан узоқлашган шахс томонидан ижтимоий ҳаёт тажрибасини, ижтимоий мақбул билимлар тизимини ўзлаштириш натижасидир².

Юқоридаги ва бошқа олимлар, мутахассислар фикрини инобатга олган ҳолда, маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашуви шахсда зарур бўлган ижтимоий фойдали хусусиятлари ва фазилатларини шакллантиришни назарда тутиши ҳақидаги хулосага келинган. Мазкур фаолият маҳкумда инсонга, жамоат ва меҳнатга, жамиятда мавжуд меъёрлар, қоидалар ва анъаналарга ҳурматни шакллантириш ва қонунга итоаткор хулқ-атвори рағбатлантириш йўли билан амалга оширилишидан келиб чиқиб, ЖИКнинг 2-моддасида қайта ижтимоийлашув ёки мослашув мақсадини белгилаш зарурлиги асослаб берилган.

Жиноят содир этган шахсларга ижтимоий-психологик чоралар қўланишининг тарбиявий-огоҳлантирувчи таъсир кўрсатишни таъминлаш механизмидаги ўрни ва роли ҳақида олимлар томонидан кўплаб фикрлар билдирилган³. Шунга асосан ижтимоий-психологик ва педагогик хусусиятга эга бўлган чораларни ахлоқ тузатувчи таъсир кўрсатиш воситалари, деб ҳисоблаш ва уларни жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида шундай воситалар сифатида мустаҳкамлаш учун барча асослар мавжуд ва ҳар бир пенитенциар муассасада *психологик ёрдам хонаси* ташкил этилса, кутилган натижага эришиш осонроқ кечар эди, деган фикрни асослаган. Маҳкумларни ижтимоий мослаштириш (адаптация) ва уларга психологик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун Ўзбекистон Республикасининг ЖИК 98¹-модда билан тўлдириш пенитенциар муассасалардаги ҳуқуқий тартиботга ижобий таъсир кўрсатиши хулоса қилинган.

Муаллиф ЖИКда пенитенциар тизим фаолиятида жамоат ташкилотларининг иштирок этиши масаласига аниқлик киритилиши, мазкур фаолиятнинг асосий йўналишлари мустаҳкамланиши лозимлигини таҳлил қилган. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 87 %и бу тизимда жамоатчилик назорати етарли даражада эмаслигини қайд этган. Шу сабабдан ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида васийлик ва жамоатчилик кенгаши ҳамда касаба уюшмалари, тарбия колонияларида маҳкумларнинг ота-оналари кўмитасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Қайд этилганлардан келиб чиқиб, ЖИКни маҳкумларни ахлоқан тузатишда жамоатчиликнинг иштирокига доир мазмундаги 7¹-модда билан тўлдириш,

¹ Рыбак М.С. Ресоциализация осужденных к лишению свободы: проблемы теории и практики: Автореф. дисс....док-ра юрид. наук. – Саратов, 2001. – С. 18.

² Суровцев В.А. Организация управления исправительным процессом в центре психолого-педагогической и социальной работы с осужденными: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 2002. – С. 27.

³ Шамис А.В. Основные средства воздействия на осужденных и механизм их реализации: Монография. – Домодедово, 1996. – С. 112.

шунингдек ЖИКни «Жамоатчилик кузатув кенгаши» деб номланган 4¹-боб билан тўлдириш, ушбу бобда жамоатчилик кузатув кенгашининг фаолияти асослари, ташкил этиш тартиби, кенгаш аъзоларига қўйиладиган талаблар, жамоатчилик кузатув кенгаши аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кенгаш фаолияти шакллари, жазони ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасаларнинг бу борадаги мажбуриятларини акс эттириш таклиф этилган.

Ҳозирда кўплаб мамлакатларда жиноят-ижроия тизимига хусусий сектор жалб этилганлиги туфайли ижобий натижаларга эришилмоқда. Шунга кўра, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органларда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятларини кескин ошириш мақсадида жазони ижро этиш тизимига хусусий секторни жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Шунингдек, тадқиқотчи мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг бирортасида ҳам жазоларни ижро этиш муассасалари учун кадрлар тайёрлаш борасида ихтисослашув мавжуд эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техника институтида фақатгина озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида режимни таъминлаш бўйича мутахассислар тайёрланади), сабабли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети базасида жазоларни ижро этиш инспекциялари учун мутахассислар тайёрловчи ўқув курслари ташкил этиш лозимлигини асослаган.

Жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органларда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтириш учун улар фаолияти устидан назорат механизмларини такомиллаштириш, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда ЖИКга Жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини текшириш ҳамда назорат қилиш” номли 4-бобдаги назорат механизмларни қайта кўриб чиқиб, унда парламент назорати, махсус, яъни Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия назорати, суд назорати, идоравий назорат, жамоатчилик назорати механизмларини қонуний мустаҳкамлаш таклиф этилган.

Диссертациянинг «**Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини таъминлашнинг умумий йўналишлари**» деб номланган иккинчи бобида жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларининг профилактик функциясини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига профилактик нуқтаи назардан ёндашув масалалари таҳлил қилинган.

ЖИК 6-моддасида мустаҳкамланган: «Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади»

дейилган. Лекин уларга умумий тушунча (таъриф) берилмаган. Тадқиқотчи жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципи тушунчасига куйидаги таърифни берган: *жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари – давлат томонидан ижтимоий ривожланиш қонуниятларига асосан белгиланган, халқаро-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ қонунда таърифланган, жиноий жазоларни ижро этиш ва профилактика чораларини амалга оширишга қаратилган раҳбарий қоидалардир.*

Шунингдек, жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принциплари уч гуруҳга ажратилган: 1) умумҳуқуқий принциплар: а) қонунийлик; б) инсонпарварлик; в) демократизм; г) адолат (одиллик); 2) соҳалараро принциплар: а) жазо ижросини дифференциация қилиш; б) жазо ижросини индивидуаллаштириш; 3) соҳавий принциплар: а) мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш; б) маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш.

Диссертант ЖИК 6-моддасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатлар принциплари шунчаки санаб ўтилиб, принципларнинг мазмуни, Кодекснинг бошқа нормаларида ва уларни амалда қўллашда айнан қандай тартиб-таомилларга эътибор қаратилиши тўғрисида раҳбарий кўрсатмалар берилмаганлигини таъкидлаб, ЖИКда ҳар бир принципнинг мазмуни акс эттирилиши ва бунда профилактик функцияга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деган хулосага келган.

Тадқиқотда ўрганилган 27 та давлатнинг жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг аксариятида (Франция, Германия, Эстониядан ташқари) қонунийлик принципи жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принципларидан бири сифатида назарда тутилган.

Адолат (одиллик) принципига кўра жиноий жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этиш тартиби ва шартлари одилона бўлиши талаб этилади. Шунини таъкидлаш лозимки, Франция, Германия, Финляндия, АҚШ, Япония, Швейцария каби кўплаб ривожланган давлатларда одиллик принципи жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принципларидан бири сифатида белгиланган.

Ишда инсонпарварлик принципининг алоҳида аҳамиятини, унинг жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг устувор йўналиши эканлигини ҳисобга олиб, мазкур принципнинг мазмунида профилактик функцияни акс эттириш, уни қонун даражасида мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқлиги исботланган.

ЖИК нормаларида маҳкумларни ахлоқан тузатишда, жазони ижро этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашишда, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда, маҳкумларни тарбиялашда жамоат бирлашмаларининг иштирок этиш имконияти кўзда тутилганлиги боис демократизм принципи маҳкумларни ахлоқан тузатиш жараёнини ташкил этишнинг моҳиятида, жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг очиклигида, маҳкумларни тарбиялаш фаолиятига жамоатчиликни жалб қилишда, жазони ижро этувчи органлар фаолияти устидан назоратни амалга оширишда намоён бўлади. Шу муносабат билан бу соҳада жамоат ташкилотлари, бирлашмалари иштирокини кучайтириш

таклифи асосланган.

Диссертацияда Ўзбекистонда суд-тергов ва қонунни қўллаш амалиётининг таҳлили асосида жиноий жазоларни ижро этиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг жиноятчилик профилактикаси самарадорлиги етарли даражада эмаслиги, бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, бунда жиноий жазоларни ижро этишни дифференциация ва индивидуаллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлиги кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖИКда жазо ижросини дифференциация қилиш ва индивидуаллаштиришга оид алоҳида норма киритиш, унда ушбу принципнинг мазмуни, татбиқ этилувчи субъектлари, амалга ошириш шакллари ва механизми аниқ акс эттирилиши лозимлиги асосланган.

Пенитенциар тизим профилактик функциясининг самарадорлигини оширишда маҳкумларни рағбатлантириш чоралари ҳам муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, ЖИКга Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш деб номланган б⁶-модда киритилиши таклиф этилган.

Айрим хорижий мамлакатлар ЖИКларининг таҳлили уларда мамлакатимиз ЖИКдан фарқли равишда: қонун олдида тенглик (АҚШ, РФ, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Молдова, Латвия, Грузия); жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги (РФ, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Молдова); маҳкумларни ахлоқан тузатиш (Германия); ошкоралик (Қозоғистон); жазо ўталиши ва ижро этилишининг муқаррарлиги (Украина); давлат ва маҳкум жавобгарлигининг уйғунлиги (Украина); жазони ижро этиш функцияларининг суриштирув, тергов, давлат айблови функцияларидан холи эканлиги (Молдова); рецидивизмни камайтириш; жазони ижро этиш тизимининг хавфсизлигини таъминлаш (Финляндия) принциплари мавжудлигини кўрсатди.

Тадқиқот ишида хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниб, Ўзбекистон ЖИКда маҳкумларни ахлоқан тузатиш ҳамда жазони ижро этиш тизимининг хавфсизлигини таъминлаш каби принципларнинг акс эттирилиши асосланган.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи назариясида маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати хусусида турли нуқтаи назарлар мавжуд. *Биринчидан*, маҳкумлардан ҳукмда белгиланган барча мажбуриятларни аниқ ва сўзсиз бажариш талаб этилади. Аммо қонунда юқоридаги талаб билан бир қаторда, маҳкумларга муайян ҳуқуқлар ҳам берилган ва уларни белгиланган тартибда ҳимоя қилиш учун имконият яратилган. *Иккинчидан*, маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати унга юкланадиган субъектив мажбуриятлар ва жазони ўташ даврида у эга бўладиган ҳуқуқлар йиғиндисидан иборатдир. *Учинчидан*, жазони ўтаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни бажарадилар ва қонун ҳужжатларида

маҳкумлар учун назарда тутилган, шунингдек суд ҳукмида кўрсатилган чеклашлар билан ҳуқуқлардан фойдаланадилар. *Тўртинчидан*, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сифатидаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлар билан, шунингдек улар бажаришдан озод қилиниши мумкин бўлмаган мажбуриятларни (қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари) ўз ичига олади.

Бироқ, ЖИКнинг 8-моддасида маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари аниқ ва тўлиқ ифода этилмаган. Қонундаги мазкур ноаниқлик ва бўшлиқлар амалиётда турлича талқин қилиниши, маҳкумлар ҳуқуқларига етарли эътибор қаратилмаслиги, адолатсизлик, ўз навбатида, тизимнинг профилактик функцияси самарасизлигига олиб келиши исботланган. Тадқоқот доирасида ушбу масала бўйича маҳкумлар ўртасида ўтказилган сўровда, респондентларнинг 74 %и қонунда уларга берилган ҳуқуқлар тўлиқ ва етарли эмаслигини, бу ўз навбатида уларга муайян қийинчиликлар туғдиришини қайд этганлар.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун ЖИКнинг 2-бобида мустаҳкамланган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар қайтадан кўриб чиқилиб, маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари айнан ушбу бобда тўлиқ акс эттирилиши лозимлиги асослантилган.

ЖИК 9-моддасида мустаҳкамланган маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари рўйхати ҳам тўлиқ эмас. Шунга кўра, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ушбу моддада тўлиқ берилиши зарур. Жумладан, мазкур моддага қўшимча равишда *қуйидаги ҳуқуқларнинг киритилиши таклиф этилган:*

– *Ўзбекистон Республикаси Президентига афв этиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илтимоснома киритиши;*

– *инсоний қадр-қиммати тан олинishi, қийноққа солиши, зўрлик ва бошқа қаттиқ ёки заҳриинсоний ёхуд камситувчи муомала турлари ва таъсир чораларидан ҳимояланиши;*

– *шахсий хавфсизлигини таъминлаши;*

– *психологик хизмат кўрсатувчи ходим ёки шундай хизмат кўрсатиши ҳуқуқига эга бўлган шахсдан психологик ёрдам олиши;*

зарур ҳолларда, жазони ижро этиши муассасаси бошлиғи руҳсати билан нотариал хизматлардан фойдаланиши.

Шунингдек, кодекснинг 9-моддасига эшитиш, сўзлаш ёки кўриш қобилияти паст бўлган ногиронлар учун дактилология (имо-ишоралар орқали ифодаланадиган тил) ёки Брайл алифбоси орқали мутахассислар хизматидан фойдаланиш имконияти яратилишига доир нормани киритиш таклиф этилган.

Ҳозирда халқаро стандартларга мувофиқ маҳкумларни сақлаш шароитларини уларнинг ижтимоий-ахлоқий ҳимояланганлик даражасига, жазони ўташ давридаги хулқ-атвори ва соғлиғининг ҳолатига кўра дифференциация қилишни такомиллаштириш; маҳкумларнинг яшаш жойига яқин ерда жазони ўташни таъминлайдиган муассасалар тизимини яратиш; маҳкумларга нисбатан инсоний муносабатга риоя этиш, уларнинг ҳуқуқлари

ва манфаатларини, қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантиришнинг устунлигини таъминлаш; маҳкумларни озодликка чиқиши учун тайёрлашни улар муассасага келган биринчи кундан бошлаш; жиноят-ижроия тизимини жазони ўтаган шахсларни реабилитация қилиш тизими билан бевосита боғлаш; зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар ва бошқа жиноий қилмишлар учун ҳукм қилинганларни, ижобий тавсифланадиган ва режимни ашаддий бузувчилар рўйхатидаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни назарда тутиш; маҳкумлар ҳуқуқларининг кафолатланган минимумини кенгайтириш; маҳкумларга пуллик маиший, тиббий, соғломлаштириш ва бошқа хизматлар кўрсатиш тизимини яратиш; муассасаларда психология хизматини ташкил этиш; барча маҳкумлар учун иш жойларини яратиш, ўз қизиқишлари билан мос келадиган касбларни ўзлаштиришни таъминлаш зарурлиги асослантирилган.

Диссертациянинг «**Жиноий жазоларни ижро этишда профилактик функция самарадорлигини ошириш муаммолари**» деб номланган учинчи бобида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳамда шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этишда профилактик таъсир чоралари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари алоҳида таҳлил қилинган.

Мамлакатимиз ЖКда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликни чеклаш белгиланган.

Ахлоқ тузатиш ишларини ўташ шартлари ЖИК 26-моддасида тартибга солинган, бироқ, мазкур моддада ахлоқ тузатиш ишларини ўташ шартларининг тўлиқ рўйхати келтирилмаган. Бундан ташқари, қатор шартлар бошқа моддаларнинг мазмунидан келиб чиқади. Масалан, маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш ЖИК 31-моддасида назарда тутилган. Ишда ахлоқ тузатиш ишларини ўташ шартларининг айрим муаммоли жиҳатлари кўриб чиқилган. Жумладан, ахлоқ тузатиш ишларини ижро этиш тартиби ва шартларида етарли профилактик тадбирлар назарда тутилмаган. Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекциясининг маҳкум билан ишлаш, профилактик тадбирларни амалга оширишга доир мажбуриятларни белгилаш мақсадга мувофиқлиги хулоса қилинган. Шу сабабдан, ЖИКнинг 27-моддасида белгиланган жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари рўйхатини ҳар ойда икки марта профилактик суҳбат ўтказиш мажбурияти билан, 29-моддасида белгиланган маҳкумнинг мажбуриятлари рўйхатини профилактик тадбирларда иштирок этиш билан тўлдириш таклиф этилган.

Озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазолардан бири – озодликни чеклаш жазоси ва уни ижро этиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, қонунда инспекциянинг озодликни чеклаш жазосини ижро этишдаги мажбуриятлари аниқ белгиланмаганлиги, маҳкум қандай ҳолатларда яшаш жойидан кетиши, яшаш жойини ўзгартириши, тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши

ёки иш-ўқиш жойини ўзгартириши мумкинлиги белгиланмаганлиги, озодликни чеклаш жазосини бошқа жазо билан алмаштириш масаласининг ЖК ва ЖИКда ноаниқлиги ҳамда уларни баргараф этиш бўйича таклифлар асосланган.

